



Сенга не бўлди? Холинг калайдир? Нечук кунларга колдинг?
Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг, Отиллаларнинг шонли бешиклари! Кани у чикдигинг юксак ўринлар? Куллик чуқурларига недан тушдинг?!

Дунёни "урхо"лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг кани? Ер тупрогини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонларинг кани? Нечун товушлари чикмайдир? Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг кани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдончарини ўзгаларга нечун кўйдилар? Нечун... Нечун... нечун..? Гапур менга, эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен курмадингми? Хиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуг хоконларини сен юбормадингми? Эй хоконлар ўчоги! Эй кахрамонлар тугойи! Кани у чакмок чакишли ботир хоконларинг? Кани аввалги ўк юрушли, отли бекларинг? Нечун «урхо»ларинг эшитилмайдир?

Дунё халкини бўйсундирган салтанатларинг нечун бузилди? Инсонлик оламини канотлари остига олган хоконлигинг нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми колди?

Йўк... йўк... Тангри хакки учун йўк!.. Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги кон чингизларнинг, темурларнинг конидир. Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси!

Кайгурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг хаммаси бор, ҳеч бири йўколмашидир.

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... таркалмишдир.

Фитрат